

## ЎҚИТУВЧИ КАСБИДА БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ АСОСЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7749506>



ELSEVIER



Received: 17-03-2023

Accepted: 18-03-2023

Published: 22-03-2023

**Норкўзиева Манзура Абдурахмоновна**

Жиззах давлат педагогика университети  
п.ф.д. (PhD)



**Abstract:** Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда ўқитувчи касбининг ўзига хослиги ва унга таъсир этувчи омилларга эътибор қаратилган.

**Keywords:** Таълим – тарбия, фаолият, муносабат, барқарорлик, касб, назарий қоидалар, амалий тажрибалар, эмпирик модел, илм-фан, учинчи Ренессанс, умумбашарий ва миллий қадриятлар.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 17-03-2023

Accepted: 18-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** . В данной статье основное внимание уделяется уникальности профессии учителя и факторам, влияющим на нее в обеспечении профессиональной стабильности будущих учителей.

**Keywords:** Образование - образование, деятельность, отношение, устойчивость, профессия, теоретические правила, практический опыт, эмпирическая модель, наука, третье Возрождение, общечеловеческие и национальные ценности.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 17-03-2023

Accepted: 18-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** This article focuses on the uniqueness of the teaching profession and the factors influencing it in ensuring the professional stability of future teachers.

**Keywords:** Education - education, activity, attitude, stability, profession, theoretical rules, practical experience, empirical model, science, the third Renaissance, universal and national values.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Таълим – тарбия тизими тўлақонли фаолият олиб боришлари учун, бўлажак ўқитувчиларнинг бу касбга нисбатан ижобий муносабатини шакллантириш керак. Бугунги кунда ўқитувчилар ўз касбида барқарор фаолият олиб бормоқдами? Агарда улар турғун фаолият олиб бораётган бўлса, самарадорлик ҳолати қай даражада? Бу саволларга жавоб бериш учун реал ҳолатни кўз олдингизга келтира олиш учун умумтаълим мактаблари фаолиятини зимдан кузатиш ва таҳлил қилиш керак. Демакки, шундай савол тўғилдими, унга ечим топиш керак.

Ўқитувчилар ўз касбларида барқарор фаолият юритиши бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотган эмас. Бўлажак ўқитувчилар ўз касбида барқарор фаолият олиб боришлари учун, бугунги кунда Ўзбекистон давлати барча шарт – шароитларни яратиб бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли қарорлари, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармони ва бошқа ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Бугунги кунга келиб президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан таълим тизимига ўзига хос тарзда ёндошув амалга оширилмоқда. Мисол учун, Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди. Унда президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш масалаларида нималарга эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Президент Ш.Мирзиёев йиғилишда улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир” деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳиятини ёритиб берди. Бу фикрлардан таълим тарбия жараёнларида кенг ва мақсадли фойдаланиш талабаларда касбий барқарорликни шакллантиришга замин яратади.

Биз эътибор берадиган бўлсак, барқарорлик тушунчаси бундан 300 йилдан кўпроқ вақт олдин, Нютон томонидан, 1686 йилда, ўз тадқиқотида оддий маятникнинг ҳаво ва сувдаги ҳаракатининг барқарорлиги масаласига тўхталган. Ҳар қандай ҳодисанинг барқарорлиги узоқ вақт ва аниқлик билан сақланиб туришида ўз аксини топади. Оддий маънода ўқитувчилик фаолиятида барқарорлик деганда биз нимани тушунамиз, бу ўқитувчининг ўз касбини ўзгартмасдан таълим – тарбия билан узоқ йиллар шуғулланишидир. Ўқитувчилик фаолиятини барқарорлиги – педагогнинг ички маънавий дунёқараши, ўз касбига содиқлиги туфайли турли хил таъсирларга чидамлилигини оширувчи маънавий куч.

Шахснинг "касбий барқарорлиги" тушунчасини биринчи марта 1965 йилда К.К.Платонов киритди. К.К.Платонов касбий барқарорликни тўлақонли тушуниш учун учта моделни таклиф қилди:

1) ҳужжатлар, йўриқномалар, қоидалар асосида қурилган, инсон учун маълум бир фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни (соғлиғи, темпераменти, ахлоқий фазилатлари ва бошқалар) аниқ белгилаб берувчи норматив модел;

2) назарий қоидалар ва амалий тажрибаларни яхши биладиган экспертларнинг баҳоларига асосланган эксперт модели;

3) эмпирик модел - "бу маълум бир муайян шароитларда ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган одатдаги ўртача профессиянинг модели".

Олимнинг фикрига кўра, агар инсон ушбу моделга мос келадиган бўлса, демак у профессионал жиҳатдан барқарор [1].

Биз юқоридагиларга асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда куйидагиларга эътиборни қаратишни мақбул вариант деб топдик. Булар:

- ўқитувчилик касбига қизиқадиган ёшларни мактаб даврдан аниқлаш ва шу касбга оид билимларини бойитиб бориш;

- мактаб ўқувчиларини ўз устозларига нисбатан ҳавас туйғусини тарбиялаб бориш;

- мактаб ўқувчилари қайси фан ўқитувчиси бўлишни истаса ўзлари қизиққан фанга кўпроқ жалб қилиш;

- ўқитувчилик касбига оид қизиқарли маълумотларни ўқувчиларга етказиш;

- ўқувчиларни педагогик техникумларга йўналтириш;

- биринчи курс талабаларини касбга оид маълумотлар билан қуроллантириш;

- иккинчи курс талабаларига ҳар бир мутахассислик фанлари методикасига оид чуқур маълумотларни бериш ва ўқув амалиётини самарали ўтказишга оид тавсиялар бериш;

- учинчи курс талабаларининг мутахассислик фанларидан ўзлаштириши назорат қилинди.

- Тўртинчи курс талабаларини педагогик амалиёт даврида мактаб ва унинг жамоасига нисбатан ижобий барқарор муносабат тизими шакллантирилди.

Бўлажак ўқитувчиларда танлаган касбининг нақадар муҳим аҳамият касб этишини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи мисолида касбга оид барқарорлик кўникмаларини шакллантириш яхши натижа беради.

“Буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўзлари бор. Қаранг, бу фикрлар милоддан аввал

айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми? Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани сизларга яхши маълум. Мана, кунни кеча тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан кўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди. Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик [2]

Давлат раҳбарининг фикрлари ҳаётда ўз аксини топиши учун биз педагоглар томонидан қуйидаги ишларни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқдир. Булар:

- ёшлар тарбиясига миллий ва умуминсоний кадриятлар доирасида ёндошувни амалга ошириш;
- ёшларни онгли ҳаёт тарзига одатлантириш;
- дунёдаги ривожланган давлатларнинг юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигини ёшларга кўрсата олиш;
- илм-фан ва таълимга эътиборни янада кучайтириш;
- Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш;
- ёшларни буюк боболарнинг издошлари қилиб тарбиялашни амалга ошириш.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш жараёнларида юқорида қайд этилган масалаларни уларнинг онги ва қалбига сингдириш масаласи етакчилик қилади. Бунинг учун, биринчи навбатда миллий ва умуминсоний кадриятлар доирасида нима ишлар қилиниши кераклигини белгилаб олишимиз шарт. Фалсафа қомусий луғатда кадрият тушунчасига қуйидаги таъриф келтирилган. “Кадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий – ахлоқий, маданий-маънавий

аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий – социологик ва аксеологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорлик, гўзаллик ахлоқий ҳислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланди[1]Қадриятлар умумбашарий, умуминсоний миллий, минтақавий шахсий бўлиши мумкин. Қадриятлар ижтимоий тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдири, ривож, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти хатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланади ва айланмоқда.

Инсон бутун умри давомида сон – саноксиз қадриятлар оламида яшайди. Инсониятни ўраб турган борлик, табиий ва ижтимоий атроф – муҳим, тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарият хусусиятга эгадир. Бундай қадриятлар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини юқотмайдигон, абадий мулақ ва муқаддас қадриятдир” [3].

“Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши, жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг, маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқлол йўлини очиқ беради.

Қадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни авайлаб-асараш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики, янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интиломоқда. Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўладиган яна янгидан ўзимизни бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли қадриятларимиз тизими барпо этиломоқда.

Бугунги фан ва фалсафанинг тадқиқот предметида қадриятлар ибораси тез-тез учраб туради. Аммо, алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда қадрият иборасини жуда кенг маънода ишлатиш, айниқса, маданий-маънавий ҳодисалар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга нисбатан бу тушунчани умумий атама сифатида қўллаш ҳоллари кўп учрамоқда. Кундалик мулоқотда қадри бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусият ва бошқаларга

нисбатан кадрият иборасини қўллашга кўпчилик кўникиб қолди. Аммо айнан шу кундалик ҳаётдаги маъноси илмий адабиётларга кўчиб қолаётганлиги кишини ачинтиради. Ҳамма тушунгани ўз жойига, ўз кўламига ишлатиш илмийлик талабларидан биридир. Кадриятлар ҳақидаги илмий баҳслар, фалсафий мулоҳазалар доим давом этаверади. Чунки жамиятининг маънавий-интеллектуал тараққиёти, инсониятни эҳтиёжлари доимий ҳаракатдадир.”[4] Шуларни инобатга олган ҳолда таълимий кадриятларни бўлажак ўқитувчиларнинг онги ва қалбига сингдириб бориш масаласига алоҳида ёндошув талаб қилинганлиги сабабли таълимга оид масалалар бўлажак ўқитувчилар онгига сингдирилиши замонавий таълим жараёнининг ўз олдига қўйган вазифаларидан биридир. Фақатгина миллий ва умуминсоний кадриятлар, таълимий кадриятларга жиддий эътибори туфайли учинчи Ренессансга амалга ошириш мумкин. “Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак. Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради. Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машғаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди” [2].

Бўлажак ўқитувчиларнинг келгусидаги фаолияти умумбашарият тараққиёти ривожига ўз хиссасини қўшиши кераклигини инобатга олган ҳолда қуйидги ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи навбатда талабаларда миллий ва умумбашарий кадриятларга онгли ёндошиш методлари ва технолгиялари ўргатилмоқда. Талабаларга миллий кадриятларни сингдиришда ахборот коммуникацион технолгияларидан фойдаланиш имкониятиниинг такомиллаштирилиб борилаётганлиги. Бу мавзу айнан бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Буюк сиймолар фаолиятини ўрганиш бугунги кунда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсоният ўз тараққиёти даврида ҳамма вақт

миллий қадриятларга таяниб келган. Шунинг учун халқ томонидан ота-боболаримизнинг буюк маънавияти ёшларга етказишда бетакрор ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни комил инсон даражасида тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Иккинчидан, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашга қаратилган тизимни ишга тушуришни миллий - маънавий қадриятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада Шарқни нафосат ва диннинг бешиги деб бежиз айтишмаган. Зеро, Шарқнинг буюк алломалари, мутафаккирлари ўзларининг илмий, адабий - бадиий асарларида миллий қадриятларнинг аҳамияти, уларнинг муқаддаслигини улуғлаб бизларга мерос қилиб қолдирганлар. Буларга далил сифатида Зардуштийларнинг «Авесто» китобини, муқаддас китобларимиз (Қурони Карим, ҳадис Шариф)ни ва Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, Абу Наср Фаробий, Ал-Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос ҳожиб, Ат- Термизий, Ахмад Яссавий, Ғиждувоний, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Бобур, Нодира, Мунис Огаҳий ва бошқа кўплаб алломалар асарларини ҳамда улардаги комил инсон тарбиясига катта эътибор қаратганликларини келтириб ўтишимиз мумкин. Комил инсон тарбиясида Имон Бухорий, Ат - Термизий, Беруний, Абу Наср Фаробий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, А.Навоийларнинг ҳаёти ва Ат-Термизийнинг «Ал-Жомеъ» (Ишончли тўшлам), «Сунан ат-Термизий» (Термизий суннатлари), Берунийнинг «Ўтмиш аждодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минерология», «Хоразмнинг ажойиб кишилари», А.Навоийнинг «Ҳамса»си, ғазаллари, А.Темир ўғитлари, Улуғбекнинг «Зиж»и, «Тўрт улус тарихи» каби асарларда бой-маънавий меросимиз билан дунё илм аҳлини ҳам лол қолдирган ва илғор илмий асарлар орасида юқори ўрин эгаллаган.

Миллий педагогикамиз асосчиларидан бири А.Авлоний «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир»- деб бежиз таъкидламаган. Бола тарбиясида ақл-заковат, зукколик, билимдонлик юқори поғонани эгаллаши зарур. Шунинг учун ҳам қомусий ва диний илм соҳиблари Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, аз-Замахшарий, ал-Марғиноний, ал-Мотрудий, Нажмиддин Кубро, Ахмад Яссавий, Нақшбанд ва бошқаларларнинг илмий мерослари ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда муҳим омилдир.

Миллий фахримизга айланган шоиру - фузалолар Абу Наср Фаробий, А.Жомий, А.Навоий, Бобур, Нодира, Увайсий ва бошқалар ўз асарларида комил инсон тарбияси муаммоларига катта эътибор берган.[5]

Учинчидан, буюк сиймолар изидан боришни мақсад қилган ҳар бир ёш авлодга бу борада нима ишлар қилиш кераклигини ўргатиб боришда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда:

- ота - онанинг ўғитларига муносиб жавоб бериш;
- катталарнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиш;
- умумбашарий ва миллий кадриятларни эъзозлаш;
- ўзга миллатларнинг кадриятларига ҳурмат билан ёндошиш;
- табиат ва жамиятга онгли муносабатда бўлиш;
- китобхонлик маданиятини шакллантириш;
- касб танлашда адашмаслик;
- танлаган касби ва ҳунарига садоқат билан ёндошиш;
- барқарор фаолият кўникмаларини шакллантириб бориш;
- илм олишдаги қийинчиликларга чидамлилиқ;
- янгилик сари интилиш;
- инновацион ғояларни олиб чиқиш;

- юрт тараққиёти ва тинчлиги учун бор имкониятини сафарбар қила олиш малакасини шакллантириб бориш кабилар.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда педагоглар шахс барқарорлигини шакллантириш муаммоси билан шуғулланган олимларнинг В.Е.Чудневский (яхлит таълим шаклида) Л.И.Бозхович (Биринчи марта болаларда шахснинг барқарорлигини ўрганиш вазифаларини кўйди). А.К. Маркова, Н.В.Кузмина, К.К.Платонов, Б.Сиеланд, А.Тиенеллар (меҳнат психологияси ва ўқитувчининг шахсияти масалалари) В.Л.Маришук (психологиясида эмоционал барқарорлик таърифини берган), А.В.Мирошин ("эмоционал-иродавий барқарорлик" атамасини киритди), В.Т.Ашчепков В.М.Вйдрин, Л.А.Эфимова, Л.С.Шубина, Р.Брамвелл, Б.Горман, Т.Станнет (ўқитувчиларни касбий фаолиятга мослашиши ва кадрлар алмашинувининг олдини олиш) масалалари шуғулланган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда талабаларга шахс барқарорлиги деганда қуйидагиларга эътибор қаратиш кераклиги уқтирилди.

Шахс барқарорлиги - ижтимоий ҳаётда инсон доимий равишда ўзи мақбул деб билган қарашларни сақлаб қолиш ва бу дунёқарашга унинг шахсий муносабатига тесқари, қарама - қарши, зид бўлган таъсирларга маънан жавоб қайтара олиш қобилияти.

Шахс барқарорлигини шакллантириш биринчи навбатда оила тарбиясида амалга оширилишини ҳам талабаларга тушунтиришда қуйидагиларга эътибор қаратилди. Булар: Азалий кадриятларни унутмаслик, оилада эр-хотин ўртасида муносабатлар тўғри йўлга қўйилиши, фарзандларини бирга тарбиялаш, ота - онанинг маънавий қиёфасининг



юқори даражада шаклланганлиги болаларда барқарорлик кўникмаларини ва унга оид дунёқарашнинг шаклланишига шарт – шароитларни яратади.

Муқаддас Ҳадисда ҳам “Хотинларнинг ҳақларига риоя этингиз. Улар билан меҳр-шафқат ила муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан кўрқингиз. Хотинлар сизларга Парвардигорнинг омонатидир”, дейилган.

Шунинг учун оилада ота доимий равишда ўз турмуш ўртоғини фарзандларини жон дилидек асраши умри давомида уларга ғамхўрлик қилиши каби маънавий одатлари оилада соғлом муҳитни таъминлашга хизмат қилади. Уни кўриб вояга етаётган ёшларда соғлом маънавий барқарор дунёқараш шаклланади. Шунинг учун ҳам бундай оилаларда маънавий барқарорлик муҳити доимо ҳуқумролик қилади.

Оилада эр-хотин ўзаро ҳурмат-эъзозга йўғирилган муносабатни шакллантириб борса шубҳасиз юксак маънавий барқарор муҳитнинг қарор топишини таъминлайди. Бу эса келажагимиз бўлган фарзандлар тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келгусида мустаҳкам оила қуришига имконият яратади.

Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” рисоласида қайд этганларидек: “Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, ғурурдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни иффатга, ғазабни шижоатга, шиддатни илмга, катталиқни тавозуъга, ёмонликни яхшиликка айлантирмоққа қуввати етар”.

Агарда оилада ота – она доимий равишда бир – бирини ҳақоратласа, ҳурмат қилмаса, унда маънавий муҳит бузилади. Ота –она ўртасида барқарор ижобий муносабатга путур етади. Бундан болалар азият чекади. Улар ҳам бир – бирини эъзозламай кўяди. Охир – оқибатда бундай оила фарзандларида барча ижтимоий, иқтисодий соҳаларга нисбатан барқарор ёндошув бузилади. “Яхши келин уйдаги гапни кўчага чиқармайди”, деб бежизга айтилмайди.

Чунки ҳар бир оиланинг ўзига тегишли сир-асрорлари бўлгани каби таълим муассасаларининг ҳам ўзига хос тизими бўлади. Шу тизим ичида фаолият юритишни истаган ҳар бир бўлажак ўқитувчи унинг сирларидан бохабар бўлиши ваа уни асраши асносида барқарор фаолиятни амалга ошира олади. Таълим муассасасининг ютуқлари бу албатта шу муассаса аъзоларининг ўз касбига нисбатан меҳри билан ифодаланади.

Талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашда ҳар бир йигит-қизлар билан алоҳида-алоҳида ишлаш, уларга ўқитувчилик касбининг қадимий ва фахрли касб эканлигини тушунтириш жараёнларида яхшиликни одат

қилиш, ёмонликдан қочиш, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашни кадриятларимиздан келиб чиқиб тушунтириш ҳам барқарор муҳитнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шундай педагогик муҳитида тарбияланган ҳар қандай ўғил қизлар педагогика соҳасида барқарор фаолият юрита олади.

Бизнинг фикримизча бўлажак ўқитувчиларда мустаҳкам касбий барқарорликни шакллантиришда талаба шахснинг психологик барқарорлиги муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам талабаларнинг фаолияти ва хулқ-атворининг барқарорлиги уларнинг ўзига бўлган ишончини таъминлайди.

Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар билиши зарур:

- жамоанинг маънавий бирлигидаги барқарорликнинг аҳамиятини;
- касбий позициясини ўзгартирмасликни;
- маънавий тadbирларни амалга ошириш натижасида жамоанинг ҳаракатчанлиги - иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий жиқслигини таъминланишини;

- ижобий мотивациялар миқдор (маҳсулдорлик), сифат (мукамаллик), жиҳатларидаги барқарорликни;

- ўқитувчилик касбида ўзини ўзи бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлигини.

- ўқитувчилик касбининг барқарорлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиб бориш йўлга қўйилганлигини.

- ўқитувчи фаолиятига мос келмайдиган ортиқча юқламаларнинг бартараф этилишини;

- ўқитувчиларни тайёрлашда инновацион технологияларнинг такомиллаштирилиши зарурлигини;

- бўлажак ўқитувчи ўзи танлаган касбининг шарафли эканлигини;

- бўлажак ўқитувчиларга қўйилаётган талабларни;

- касбий фаолият ва касбий барқарорлик муаммосига интегратив ёндошувни;

- ўқитувчилик фаолиятига таъсир этувчи ҳиссий, ҳиссий-иродавий, ахлоқий, ақлий билим даражаларининг мукамал бўлишини эртанги кунда касбда барқарор фаолият юритишга асос бўла олади.

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни касбда барқарор фаолият юритишга тайёрлашда қуйидаги тавсияларга амал қилиш яхши натижалар беради.

Педагогика олий таълим тизимга болаларни мактабдан бошлаб тайёрлаш ва танлаб олиш механизмини такомиллаштириш зарур. Чунки, мактабда ўқиётган болалар педагогик касбининг ташқи томонини билишсада, унинг ички жиҳатларини билмаганликлари боис ҳам тўлақонли тушунчага эга эмас.

Ўқитувчилик фаолиятининг сир – асрорларини ўргатадиган педагогика туркумидаги фанлар ўқув режасидан жой олиши керак. Бу фанлар қанчалик кўп ўтилса бўлажак ўқитувчиларга шунчалик даражада касбий билимларни эгаллашга имконият яратилган бўлади. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларда касбга мослашаувчанлик ва касбий барқарорликнинг таъминланишига хизмат қилади.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Фалсафа. Қомусий луғат. 2004.
2. Кушвақтов Неъмат Хусанович. Талабаларни миллий – маънавий кадриятларни ўрганишга тайёрлашнинг педагогик ва компьютерли асослари.13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги буйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Жиззах -2006й
3. Норқўзиева Манзура Абдурахмоновна European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Ensuring professional stability 48-52 б.
4. Абдулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Чўлпон, 1994. – 182 б.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 222 б.
- 6.[https://superinf.ru/view\\_helpstud.php?id=1346](https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=1346).
7. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>
- 8.<https://www.urgfiltma.uz/uz/faoliyat/manaviy/milliygoya.html?layout=edit&id=301>